

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

БЕКИМБЕТОВА ГУЛНОРА МАРАТОВНА

**КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАҲОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Бекимбетова Гулнора Маратовна

Корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида
инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш..... 3

Бекимбетова Гулнора Маратовна

Повышение эффективности оценки инвестиционных проектов в
условиях развития инновационной деятельности предприятий..... 25

Bekimbetova Gulnora Maratovna

Enhancement efficiency of evaluation of investment projects in conditions
of development of innovation activity of enterprises..... 47

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works 51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

БЕКИМБЕТОВА ГУЛНОРА МАРАТОВНА

**КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАҲОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt577 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошматов Шухрат Амонович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Карлибаева Рая Ходжабаевна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Сандов Расулбек Болтабоевич
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту**

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил "11" 12 соат 14 даги мажлисида бўлиб утади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кучаси, 60 А-уй. Тел.: (+99871) 234-53-34; факс: (+99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (156 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кучаси, 60 А-уй. Тел.: (+99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил "24" "11" кунни тарқатилди.
(2020 йил "24" "11" даги 49 рақамли ресстр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.И.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н.Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида «сўнгги йилларда 5300 та инновацион лойиҳалар эълон қилинди». Сўнгги ўн йилликда дунё миқёсида корхоналар фаолияти самарадорлиги инвестиция депозитлари ҳажми, шакллари ва инновацион жараёнлар кўлами асосида баҳоланмоқда. McKinsey Global Institute маълумотларига кўра, «ушбу даврда дунёда кутилаётган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун 2016-2030 йиллар иқтисодий инфратузилма сармоялари ўртача 3,3 трлн. долл. (йилига ЯИМнинг 3,8%) ни ташкил этиши керак»¹. Хусусан, «2019 йилда Хитойда хорижий инвестициялар бўйича чекловларнинг бекор қилиниб, 64 млрд. АҚШ долл.дан ортиқ миқдордаги инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилган»². «Саудия Арабистони 2030 йилларгача иқтисодиётини инновацион лойиҳалар орқали самарали ривожлантиришни мақсад қилган. 2019 йил февраль ойида Хитой ва Қувайт ўртасидаги 86 млрд. АҚШ долл. миқдоридagi лойиҳаларнинг биринчи босқичини ишлаб чиқиш тўғрисидаги келишув тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлайди»³. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, «2020 йилга келиб, Япония корпорациялари инфратузилма лойиҳаларини халқаро бозорда сотишдан тахминан 30 трлн. иена миқдорида даромад олишлари мумкин»⁴. Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигига фақат фаол инвестиция ва инновацион сиёсатни юритаётган мамлакатлар эришади. Шу сабабли, агар инвестиция иқтисодиётнинг драйвери бўлса, унда инновация унинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги ҳақида баҳслашиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида корхоналар инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишда инновацияларни кенг жорий этиш ва инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич баҳоланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳалари ҳисоб-китобларини халқаро стандартларга мослаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмини амалга ошириш, қимматли қоғозлар жозибадорлигининг инвестицияларни фаол жалб қилишга таъсирини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий институтларни яратиш орқали таъминланмоқда. Шу муносабат билан, корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда, уларда асосий эътибор, биринчи навбатда,

¹ <https://www.mckinsey.com> - Bridging Global Infrastructure Gaps, McKinsey Global Institute, June 2016.

² <https://unctad.org> - World Investment Report 2019, UNCTAD/WIR/2019; ISBN: 978-92-1-112949-6.

³ Мазкур манба.

⁴ Тимонина И. Л. Япония на мировом рынке: от промышленного экспорта к экспорту систем. Межрегиональная общественная организация «Ассоциация японоведов». 20.11.2013. URL: http://japanstudies.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=361.

хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, хусусан, бозор механизмларини чуқур татбиқ этиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар бериш, замонавий ишлаб чиқаришлар ва инфратузилмани ташкил қилишга қаратилмоқда. « ... чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш ... иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади»⁵. Мазкур вазифаларни амалга ошириш корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни асослаш, замонавий механизмлардан амалий фойдаланиш масалалари ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831-сон «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сон «Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3794-сон «Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш юзасидан хориж иқтисодчи олимлари: У.Шарп, Г. Александер, Дж.Бейли, Сет.Б.Барнес, Г.Бирман, Ю.Бригхэм, М.Эрхардт,

⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

С.Шмидт, Л.Крушвиц, Френк Дж. Фабозци, Р.Холт, И.Бланк, Р.Брейли, А.Ковалев, М.Лапуста, А.Алешин, В.Аньшин, В.Беренс, П.Хавранек, П.Виленский, В.Лившиц, С.Смоляк, А.Марголинлар⁶ томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан: Д.Ғозибеков, Ш.Тошматов, Ш.Ражаббаев, А.Ваҳобов, Н.Жумаев, Э.Ҳошимов, Ш.Ҳажибаев, Н.Мўминов, Т.Маликов, Н.Хайдаров, Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Н.Турсунова, М.Хамидулин, В.Котов, Р.Карлибаева А.Исламкулов, Б.Саттаров, Ф.Хамидова, А.Жўраев, Д.Хўжамқулов, Б.Маматов, О.Астанакулов, Р.Саидов, Х.Асатуллаев, А.Хашимов, Ш.Маджидов, Н.Мўминова, Д.Бегматоваларнинг илмий ишларида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган⁷.

Лекин, ушбу олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, асосан, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигининг назарий, услубий масалаларига бағишланган бўлиб, уларда инвестиция

⁶ Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции. – М.: 2018. - 1028 с; Холт Роберт Н., Барнес Сет. Б. Планирование инвестиций. Учебное пособие, перевод с англ. – М.: Академия народного хозяйства: Дело, 1994. – 116 с; Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов // Пер. с англ. под ред. Л.П.Белых. – М.: 2003; Крушвиц Л. Финансирование и инвестиции. Неоклассические основы теории финансов. Учебник. – Санкт-Петербург, 2000. – 381 с; Фабозци Френк Дж. Управление инвестициями: Пер. с англ. – М.: «ИНФРА-М», 2000. - 930 с.; Брейли Р. Принципы корпоративных финансов. Майерс С. 2-е русск. изд. (пер. с 7-го междунар. изд.) – М.: 2008. – 1008 с.; Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. 10-е изд. – Санкт-Петербург, 2009. – 960 с.; Ковалев А.М. Финансовый менеджмент: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: НИЦ «ИНФРА-М», 2013. – 336 с.; Лапуста М.Г. Риски в предпринимательской деятельности: Учеб. пособие. – М.: «ИНФРА-М», 1998. – 225 с.; Алешин А.В., Аньшин В.М. и др. Управление проектами: фундаментальный курс. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2013. – 500 с.; Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций Пер. с англ. перераб. и дополн. изд. – М.: Интерэксперт, «Инфра-М», 1995. – 528 с.; Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика. Учебное пособие. 2-е издание, переработанное и дополненное. – М.: «Дело», 2002. – 888 с.; Марголин А.М. Экономическая оценка инвестиционных проектов. Учебник. – М.: «Экономика», 2007. – 367 с.

⁷ Ғозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 330 б.; Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: «Молия», 2015. – 160 б.; Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академнашр, 2009. -141 б.; Ваҳобов А.В., Ҳажибаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – 180 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдават молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 556 б.; Toshmurodova V., Elmirezayev S., Tursunova N. Moliyaviy menejment. Учебник. – Т.: «Iqtisod-moliya». 2017. – 338 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Дисс....д-ра эк.наук. – Т.: 2008; Котов В.А. Совершенствование деятельности банков по инвестиционному обеспечению стратегически важных предприятий Узбекистана. – Т.: «Молия», 2011. – 320 с.; Карлибаева Р. Тижорат асосида фаолият олиб боровчи субъектлари молиявий баркарорлигини таъминлаш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019. – Б.1-8; Исламкулов А.Х., Саттаров Б.К. Молиявий рискларни баҳолаш. ТМИ. – Т.: «Иқтисод-молия», 2017. – 160 б.; Хамидова Ф.А. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003. – 256 б.; Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С. Анализ и оценка эффективности инвестиционных проектов //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнал №3, июнь, 2018; Saidov R. at all. The Role of the Investment Environment in Attracting Reserves to the Economy of Uzbekistan. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/1169>; Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Муминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2014. – 248 б.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш и.ф.д. (DSc) илмий даражасини автореферати. – Т.: 2018; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштириш. и.ф.фал.док (PhD) илмий дар. олиш учун тайёрланган дисс.автореферати. – Т.: 2017.

лойиҳаларининг баъзи категориялари ва қўллаш соҳаларигина ўрганилган. Алоҳида корхона доирасида баҳолаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳақиқий амалий масалалар ҳамда уларнинг ижобий ҳал этилиши омиллари батафсил кўриб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган №ПЗ-20170929277 «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ҳудудий бошқаришнинг институционал моделлари муаммолари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг назарий жиҳатлари, роли, вазифалари ва мақсадларини ўрганиш;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;

инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш шакллари ва усулларини ўрганиш;

корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш бўйича хориж тажрибасини, унинг самарадорлигини ошириш усулларини ўрганиш;

инновацион фаоллик кўрсаткичлари ва корхоналар самарадорлиги кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишнинг асосий масалалари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг инвестиция лойиҳалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ва таркибий таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, статистик таҳлил ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишда бюджет ссудалари, қарзлар, грантлар, кредит линияларидан кенг фойдаланиш ҳисобига лойиҳалар таваккалчилигининг пасайиши асосланган;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида корхонада ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган маълум миқдордаги товарлар (иш, хизматлар) истеъмоли учун бюджет маблағлари асосида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган, давлат томонидан кафолатланган давлат-хусусий шериклик механизми таклиф қилинган;

корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги инновацион лойиҳани манзилли молиялаштириш орқали инвестиция самарадорлигини баҳолаш асосланган;

«Технологик чиқиндиларни брикетлаш участкасини ташкил қилиш» инновацион лойиҳасини корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига киритиш орқали корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишда бюджет ссудалари, қарзлар, грантлар, кредит линияларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда лойиҳалар таваккалчилигини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида корхонадаги товарлар (иш, хизматлар) истеъмоли бюджет маблағлари асосида кафолатланиши орқали инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклиф ишлаб чиқилган;

корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги инновацион лойиҳани манзилли молиялаштириш орқали электр энергия таннархини 6,7 фоизга тежалиши ва корхонанинг йиллик иқтисодий самараси 2,9 млрд. сўмга етказилиши асосланган;

инновацион лойиҳани корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига киритиш орқали ишлаб чиқариш унумдорлигини 7,8 фоизга ўсиши, натижада, йиллик иқтисодий самарадорлик 9,4 млрд сўмга ўсиши ва ўнта янги иш ўринларини яратиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-назарий қарашларнинг қиёсий ва танқидий таҳлили, хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда «Ўзметкомбинат» АЖ маълумотларининг таҳлиллари натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқишга ва ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялари «Корпоратив бошқарув», «Инвестиция лойиҳаларини таҳлил

қилиш» ва бошқа дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишда бюджет ссудалари, қарзлар, грантлар, кредит линияларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда лойиҳалар таваккалчилигини пасайтириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 04/1-47-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, корхоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қўшимча молиялаштириш механизмидан фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларнинг баҳолаш самарадорлигини оширишда таваккалчиликни пасайтиришга хизмат қилган;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида корхонада ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган маълум миқдордаги товарлар (иш, хизматлар) истеъмоли учун бюджет маблағлари асосида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган, давлат томонидан кафолатланган давлат-хусусий шериклик усули бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 04/1-47-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда ишлаб чиқарилган (етказиб берилган) товарлар (иш, хизматлар) кафолатланган истеъмомолчиси сифатида давлат бюджет маблағлари билан иштирок этишига, корхона инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган;

корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги инновацион лойиҳани манзилли молиялаштириш орқали инвестиция самарадорлигини баҳолаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида инвестициялар самарадорлигини баҳолашда фойдаланилган («Ўзметкомбинат» АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 01/05-01/02-2149-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, «Ўзметкомбинат» АЖда электр энергия харажатларининг 6,7 фоиз тежалишига ва корхонанинг йиллик иқтисодий самараси 2,9 млрд. сўмга ўсишига эришилган;

«Технологик чиқиндиларни брикетлаш участкасини ташкил қилиш» инновацион лойиҳасини корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига киритиш орқали корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва янги иш

ўринларини яратиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида янги иш ўринларини яратишда фойдаланилган («Ўзметкомбинат» АЖнинг 2019 йил 2 декабрдаги 01/05-01/02-2149-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, «Ўзметкомбинат» АЖнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги 7,8 фоиз ўсишига, йиллик иқтисодий самарадорлик 9,4 млрд сўмга ўсишига ва ўнта янги иш ўринининг яратилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 11 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигининг назарий ва услубий асослари**» деб номланиб, инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг назарий ва услубий асослари баён қилинган, инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг аҳамияти, вазифалари ва мақсадлари юзасидан илмий қарашлар таҳлил қилинган ва унга нисбатан муаллифлик фикр-мулоҳазалари баён этилган. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигининг ҳуқуқий асослари батафсил кўриб чиқилган, иқтисодий ривожланиш мақсадларида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш шакл ва усулларига оид масалалар ўрганилган.

Республикада маҳаллий корхоналар рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизациялаш, инновацион технологияларни жорий этиш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиришга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Молиявий ва моддий ресурслар чекланган шароитда инновацион қарорлар инвестиция лойиҳаси чуқур таҳлил қилинганидан кейин қабул қилинади. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш масалаларига бағишланган илмий ишларни

ўрганиш натижасида муаллиф фикрича: «Инвестиция лойиҳаси самарадорлиги – кўйилган мақсадларга эришилганлик даражасини кўрсатувчи иқтисодий, ижтимоий ва инновацион параметрлар йиғиндисидир».

Аниқланишича, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий усули орқали таҳлил қилишда корхоналарнинг стратегик манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Турли хил омилларни, айниқса, инновацияларнинг инвестиция лойиҳасига таъсирини ҳисобга олиш ва унинг самарадорлигини сифатли баҳолаш зарур. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги инвестицияларни ҳар томонлама баҳолаш масалалари билан бевосита боғлиқ.

Лойиҳанинг умумий самарадорлигини ўрганишда унинг инвестицион жозибadorлиги, потенциал инвесторларга лойиҳанинг тижоратбоплигини намоён эта олишининг илмий жиҳатлари асослаб берилган. Лойиҳа умумий самарадорлигини баҳолашнинг зарурлиги, анъанавий тарзда корхона фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллар ички ва ташқи қизиқувчилар манфаатларининг ҳисобга олиниши талаб этилади. Шунингдек, лойиҳада иштирок этиш самарадорлиги муҳим омиллари: корхона иштироки самарадорлиги, акцияларга сармоялашнинг самарадорлиги; лойиҳада юқори турувчи тузилмалар иштироки самарадорлиги; бюджет самарадорлигидан фойдаланилади. Муаллиф фикрича, мамлакатда илғор инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш шароитида корхона инвестиция лойиҳаси самарадорлиги турлари қаторига инновацион самарадорликни киритиш таклиф қилинган.



1-расм. Инвестиция лойиҳаси самарадорлиги турлари таснифи⁸

⁸ Волков А.С., Марченко А.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: учеб. пособие. – М.: ИЦРИОР: «ИНФРА-М», 2011. – 111 с.

Инновацион самарадорлик корхонада бошқарув қарорларини қабул қилишда лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳар томонлама аниқ баҳолаш имконини беради.

Илмий изланишда халқаро молия институтлари ва хориж компаниялари: Жаҳон банки; Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ); Goldman, Sachs&Co; Ernst & Young; Саноатни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНИДО) ва Little-Mirrllis томонидан инвестиция лойиҳаларини баҳолашда фойдаланиладиган усуллар ўрганилган. Дунё амалиётида Жаҳон банки гуруҳи томонидан таклиф қилинган инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усулидан кенг фойдаланилади. Бошқа усулларга нисбатан мазкур усулнинг хусусияти вақт омилининг ҳисобга олиниши билан белгиланади (2-расм).



2-расм. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари⁹

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг статистик усулида иккита кўрсаткич ҳисоблаб топилади. Жумладан:

1. ROI – инвестицияларнинг рентабеллик коэффиенти:

$$ROI = \frac{I-C}{C} * 100\% \quad (1)^{10}$$

бу ерда, I - тушум, C-харажатлар.

2. Инвестицияларни қоплаш даври (PP) – муҳим ва қулай кўрсаткич бўлиб, дастлабки харажатларни қоплаш учун талаб этиладиган вақтни кўрсатади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$PP = \frac{IC}{P+P_{стр}} \quad (2)^{11}$$

P - ўртача пул тушумлари; IC - дастлабки инвестициялар; P_{стр} - лойиҳа амалга оширилишидан, то лойиҳа қувватига чиқишигача бўлган давр.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлиги анъанавий динамик усулда тўртта кўрсаткич асосида баҳоланади. Хусусан:

1. Соф жорий қиймат (NPV) бўлиб, у лойиҳа иқтисодий самарадорлигини аниқлашда бир нечта инвестиция объектларини таққослаш

⁹ Новоскольцева Ю.Ю., Шеметова Н.К. Методические аспекты комплексной оценки эффективности инвестиционных проектов. – М.: УДК 330.322, ББК 65.263-24, 2016. – 275 с.

¹⁰ Черников А. Ю. Методика оценки окупаемости инвестиций в образовательные программы для персонала, Бизнес в законе. – М.: 6'2013. – 332 с.

¹¹ <https://fin-accounting.ru> – молиявий ҳисоб харитаси.

имконини беради.

$$NPV = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} - IC, \quad (3)^{12}$$

бу ерда, CF – дисконтланган пул оқими; t – ҳисоб-китоб йили; r – дисконтлаш ставкаси; n – дисконтлаш даври.

2. Фойдалилик индекси (PI) – инвестиция лойиҳасини танлаш усули бўлиб, лойиҳага киритилган дастлабки инвестицияларнинг кейинги пул оқимлари билан қайтаришга талаб этадиган вақтни акс эттиради.

$$PI = \frac{NPV}{IC}, \quad (4)^{13}$$

3. Қоплашнинг дисконтланган даври (DPP) – инвестицияларни қайтаришнинг статик усулидаги ноқулайликни бартараф этади ва пулнинг вақтдаги қийматини ҳисобга олади:

$$DPP = \sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} > IC \quad (5)^{14}$$

4. Ички даромадлилик нормаси (IRR) – инвестициядан зарар кўрмайдиган, барча пул кирим ва чиқимлари йиғиндиси нолга тенг бўладиган кредит ставкасини кўрсатади. Бундай ҳолда, инвестиция лойиҳасидан келадиган истиқболдаги пул оқими билан қопланади.

$$NPV = -IC + \sum_{t=1}^N \frac{CF_t}{(1+IRR)^t} = 0 \quad (6)^{15}$$

Бироқ, жаҳон амалиётида юқорида келтирилган инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг динамик усуллари каторида айрим ҳолатларда модификацияланган ички даромадлилик нормаси (MIRR)дан фойдалана бошланди. Модификацияланган ички даромадлилик нормаси (MIRR) қайта инвестициялаш нормасини ҳисобга олиб тузатилган ички даромадлилик нормаси бўлиб, қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади.

$$MIRR = \sqrt[N]{\frac{\sum_i^N CF_i^+ (1+WACC)^{N-i}}{\sum_i^N \frac{CF_i^-}{(1+r)^i}}} \quad (7)^{16}$$

Бу ерда: CF_i^+ – i -давр даромадлари; CF_i^- – i -давр харажатлари (инвестициялари); $WACC$ – капиталнинг ўртача олинган қиймати; r – дисконтлаш ставкаси; N – лойиҳа давомийлиги.

Муаллиф томонидан, Ўзбекистонда корхоналарни инновацион ривожлантиришда инвестиция самарадорлигини баҳолашда ушбу усулдан фойдаланиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, санаб ўтилган кўрсаткичларнинг ҳар бири алоҳида олинганда, инвестиция лойиҳасини у ёки бу даражада баҳолаш имконини беради ва натижани тўлдиради, шу сабабли инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини комплекс баҳолаш учун барча санаб ўтилган кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади. Аммо, ҳар бир усул

¹² Савчук В.П. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Учебник. – М.: 1998. – 114 с.

¹³ <https://fin-accounting.ru> – карта финансового учёта.

¹⁴ Непомнящий Е.Г. Инвестиционное проектирование. Учебное пособие. - Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2003. – 262 с.

¹⁵ Марголин А.М. Экономическая оценка инвестиционных проектов. Учебник для вузов. - М.: Экономика. 2007. – 367 с.

¹⁶ <https://www.cfin.ru/encycl/mirr.shtml> – корпоратив бошқарув кутубхонаси.

инвестиция лойиҳалари қандай мақсадда баҳоланаётганидан келиб чиқиб, турли вазиятларда қўлланилади.

Диссертация ишининг биринчи бобида муаллиф инвестиция лойиҳалари самарадорлигини анъанавий усулда баҳолаш билан бир қаторда, замонавий усуллардан, хусусан, инновацион самарадорликдан ҳам фойдаланиш зарур, деган хулосага келган. Бундан ташқари, динамик таҳлил усулида инвестиция лойиҳасининг объектив рентабеллигини баҳолашга хизмат қилувчи модификацияланган ички даромадлилик нормаси (MIRR)дан қўшимча фойдаланиш кераклигини илмий асослаб берган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистондаги корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлиги» деб номланган бўлиб, унда муаллиф томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлган, «Ўзметкомбинат» АЖ мисолида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш жараёни таҳлил қилинган.

1-жадвал

«Ўзметкомбинат» АЖнинг асосий кўрсаткичлари, млрд.сўм¹⁷

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
			2015	2016	2017	2018	2019
1.	Маҳсулот ишлаб чиқариш	млрд. сўм	1088,8	1153,8	1584,1	5749,4	5531,3
2.	Ўтган даврга нисбатан таққослама нархларда ўсиш суръати	%	101,3	103,1	104,2	144,1	101,2
3.	Металл прокатини ишлаб чиқариш	минг тонна	722,0	727,3	733,4	1060,7	1067,8
	шу жумладан, шарлар		180,0	185,0	195,1	235,2	188,1
4.	Инвестициялар ҳажми	минг долл.	26864	27059	34380	28619	52413
5.	Янги иш ўринлари сони	та	102	102	125	204	72

«Ўзметкомбинат» АЖнинг 2015-2019 йиллардаги асосий кўрсаткичлари таҳлили ишлаб чиқаришнинг 4442,5 млрд. сўм (5,1 баравар)га ўсишини, ўтган даврга нисбатан таққослама нархларда ўсиш суръати 0,9 фоизга ошганини кўрсатди. 2015-2017 йилларда металл прокати ишлаб чиқариш сезиларли ўзгариш кузатилмаган, лекин 2019 йилда 345 минг тоннага кескин ошган. 2019 йилда инвестиция ҳажми кўрсаткичлари 2015 йилга нисбатан 25546 млрд.сўмга кўпайган. Мазкур ҳолат инвестиция лойиҳаларнинг инновацион ёндашув асосида амалга оширилиши натижасидир. Муаллиф фикрича, корхоналар фаолиятининг барқарорлиги мувозанатли савдо, инвестиция депозитлари, иш ўринлари сонининг кўпайиши ҳисобига таъминланади.

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра, инвестициялар корхоналар фаолиятини модернизациялашнинг манбаи ҳисобланади. «Ўзметкомбинат» АЖ фаолиятида Россия, Буюк Британия, АҚШ, Корея ва Хитой каби давлатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик олиб боради. Мазкур ҳамкорлик

¹⁷ «Ўзметкомбинат» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

доирасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўзметкомбинат» АЖнинг амалдаги инвестиция лойиҳалари сметаси, минг АҚШ долл. ҳисобида¹⁸

№	2015-2017 йй.	2016-2018 йй.	2019 й-ҳ.в.
	Лойиҳалар бўйича қисқача маълумот		
1.	«Ферросилиций ва ферросилоко-марганецни» ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» («А лойиҳа»)	«2-сон Прокатни саралаш цехида «300» станда катанка ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сим ясайдиган блок ўрнатиш» («Б лойиҳа»)	«Импорт ўрнини босувчи маҳсулот – иссиқ катанли лист прокатини рулонларда ишлаб чиқариш» («В лойиҳа»)
2.	Ишлаб чиқариш ҳажми (йилига), тонна		
	25,0 минг	100,0 минг	1,0 млн.
3.	Лойиҳанинг дастлабки умумий қиймати		
	59940	19900	613010
	Корхонанинг ўз маблағлари		
	46400	4700	122600
	Қарзга олинган маблағлар		
	-	-	490410
	Кореянинг Эксимбанк кредити		
4.	11475	-	-
	Ипотека-банк кредити		
	2065	5200	-
	ЎТТЖ (Хитой) кредити		
		10000	-
5.	Яратилган янги иш ўринлари сони, та		
	188	58	406
6.	Лойиҳа бўйича якуний смета (2019 йилга)		
	18578	13513	543302

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йилга ўрнатган АҚШ доллари курси - 2422 сўм, 2016 йилда - 2809 сўм, 2017 йилда - 3231сўм, 2018 йилда - 8120 сўм, 2019 йилда - 8384 сўм.

2-жадвалда «Ўзметкомбинат» АЖда 2015-2019 йилларда ҳамкорлик асосида учта лойиҳа амалга оширилган. Лойиҳаларнинг ўзига хос қиймати мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш маълум даврга режалаштирилган. Қуйида А лойиҳа тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, барча кўрсаткичлар ва усуллар бўйича инвестиция лойиҳасининг самарадорлиги баҳоланган (3-жадвалга қаранг).

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ферросилиций ва ферросилико-марганец ишлаб чиқариш 2018 йилнинг августида ишга туширилди¹⁹.

¹⁸ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017 - 2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори.

Комбинатдаги «А лойиҳа»нинг самарадорлиги Жаҳон банки томонидан таклиф қилинган динамик ва статик усулларида баҳоланган.

3-жадвал

«А лойиҳа» бўйича умумий маълумот, минг АҚШ долл. ҳисобида²⁰

№	Номи	«А лойиҳа»			
		Ферросилиций		Ферросиликомарганец	
1.	Бошланғич инвестиция	59940			
2.	Таннарх	1,065		1,675	
3.	Харажатлар	0,170		0,170	
4.	Импортдан сотиб олиш нархи	1,4		1,66	
5.	Фойда	0,505		0,155	
	Давр (йиллар)	2018	2019-2030	2018	2019-2030
6.	Ишлаб чиқариш ҳажми	10	15	0,903	10
7.	Соф пул оқими	5 050	7 575	140	1 550
8.	Тушум	14 000	21 000	1 499	16 600
9.	Таннарх	8 950	1 359, 3	13425	15 050

Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳага жалб қилинган инвестициялар қайтиш муддати - 13 йил. Муаллиф фикрича, «Ўзметкомбинат» АЖ учун инвестиция лойиҳаси узоқ муддатли истиқболда инвестор ва корхона мулкдорлари учун самарали ҳисобланади.

4-жадвал

«А лойиҳа» бўйича динамик ва статистик усулларнинг самарадорлик кўрсаткичлари, минг АҚШ долл. ҳисобида²¹


№	Номи	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Статистик усул самарадорлиги кўрсаткичлари														
1.	Соф жорий қиймат (NPV)	4 718	7 541	6 855	6 232	5 665	5 150	4 682	4 256	3 869	3 518	3 198	2 907	2 643
2.	Рентабеллик коэффициенти (ROI)	0,09	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15	0,15
3.	Қопланиш даври (PP)	-54750	-45625	-36500	-27375	-18250	-9125	0	9125	18250	27375	36500	45625	54750
Динамик усул самарадорлиги кўрсаткичлари														
4.	Фойдалилик индекси (PI)												1,87	
5.	Дисконтланган копланувчанлик даври (DPP)												7,47	
6.	Ички даромадлилик нормаси (IRR)												10,4%	
7.	Модификацияланган ички даромадлилик нормаси (MIRR)												10,18%	

*Дисконтлаш ставкаси -10%

²⁰Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²¹Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

3-расмда келтирилган динамик усулнинг пул маблағлари (NPV), ҳисобланган фойда нормаси (ROI) ва қоплаш даври (PP) кўрсаткичларининг нисбати таҳлиliga кўра, лойиҳанинг қопланувчанлик даврини қисқартириш учун ҳисобланган фойда нормаси оширилиши мақсадга мувофиқ.



3-расм. «А лойиҳа» бўйича самарадорлик кўрсаткичлари нисбати²²

Тадқиқот давомида муаллиф томонидан 2018 йилга ҳисобланган фойда нормаси таҳлил қилинди, бу кўрсаткич 0,09 га тенг бўлди, кейинги йиллар учун 1903/2500 га тенг ишлаб чиқариш нисбатидан фойда нормаси 1,15 миқдорида ҳисобланди. Ҳисобланган фойда нормасини ошириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш суръатларини тезлаштириш керак.

5-жадвал

«А лойиҳа» бўйича рентабеллик коэффициентиға нисбатан статистик усулдаги самарадорлик коэффициентлар таҳлили, минг АҚШ долл. ҳисобида²³

Боғлиқ ўзгарувчи: ROI

Усул: Энг кичик квадратлар

Ўзгарувчан	Коэффициент	Стан. хато	t-статистика	Эҳтимоллик
PP	9.4292	8.2147	11.4783	4.4322
NPV	1.9179	1.9049	10.0686	1.4929
R-squared (R-квадрат)	0.9294	Mean dependent var (ўзгар.)		0.1453
Adjusted R-squared (Тузатилган R-квадрат)	0.9153	S.D. dependent var (ўзгар.)		0.0166
S.E. of regression (регрессия)	0.0048	Durbin-Watson stat (Стат.Дублина-Ватсона)		0.3380
Sum squared resid (қолдиқ квадратигади сумма)	0.0002	Prob (F-statistic) Эҳтим (F-статистика)		1.7471
F-statistic (F-статистика)	65.8764			

Муаллиф ҳисоб-китобларига кўра, формула қуйидаги тарзда берилади:


$$ROI = 9.4292 \cdot 07 \cdot PP + 1.9179 \cdot 05 \cdot NPV$$

Келтирилган 5-жадвалга кўра, «А лойиҳа» бўйича рентабеллик

²² Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

коэффициентига нисбатан соф жорий қиймат учун 9.4292 га ва қоплаш даври учун 1.9179 га тенг бўлган самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган. Шу боис, мазкур лойиҳанинг статистик усулидаги рентабеллик кўрсаткичлари муайян давр учун ижобий натижа беришидан далолат беради.



4-расм. «А лойиҳа» бўйича статистик усул кўрсаткичлари самарадорлиги нисбати²⁴

4-расмда «А лойиҳа» бўйича фойдалилик индекси (PI), қоплаш муддатининг дисконтланган даври (DPP), ички даромадлилик нормаси (IRR) ва даромадлиликнинг модификацияланган ички нормаси (MIRR) каби статистик усул кўрсаткичлари нисбати келтирилган. Таҳлилларга кўра, «А лойиҳа» бўйича ҳисобланган IRR да муаммо мавжудлиги аниқланган. Агар лойиҳа бўйича пул оқимлари беқарор бўлса, IRR маълум чегарада ўзгариши ва инвесторни адаштиради. Ваҳоланки, анъанавий пул оқимида IRR ўзгармайди. MIRR инвестиция лойиҳасининг объектив рентабеллигини ҳисоблаб беради, IRR эса лойиҳадан даромад олишнинг ички имкониятларини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Корхоналар инновацион фаолиятини стратегик ривожлантириш шароитида инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш»** деб номланган учинчи бобида муаллиф томонидан корхонанинг инвестициявий-инновацион лойиҳалари самарадорлигининг омилли таҳлили ўтказилган.

